




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1997 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган


Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 57 (8.947)

1997 йил

21 май, чоршанба

Сотувда эркин нархда



Шаҳримизда спорт мажмуаларини қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш ишга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан бу ҳақда гап борганда «Юнусов» теннис мажмуи, ишга туширилган ёки қайта таъмирланган стадионлар ва бошқа кўлаб спорт иншоотларини айтиб ўтиш мумкин. Ана шундай йирик мажмуалардан яна бири — «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуи ҳам томошабинларга ўз эшикларини очадиган кун яқин.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг таъминоти» асослари ва принциплари тўғрисида қарор қабул қилинган. Қарорда спортнинг авж олидириш, шунингдек ўшбу мажмуа қурилишини тезлаштиришга асос бўлган.

Минглаб томошабинни сиғдира оладиган 14 гектарлик майдон лойиҳасини яратишда кўлаб лойиҳа институтлари ва архитекторлар иштирок эттиди.

Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Чунки бўлажак спорт иншоотининг қандай қилинишида бўлиши ва иқлоомандлар диққатини қанчалик ўзига тортиши биринчи навбатда лойиҳа муаллифларининг маҳоратларига боғлиқ эди. — дейди Тошкент ҳудудий-тажриба лойиҳа илмий-тадқиқот институти архитектори, лойиҳа ижодкорларидан бири Татьяна Матвеева.

Мажмуанинг 2000 томошабинга мўлжалланган ёнги ўйингоҳ қисми лойиҳасини яратиш «Тошбошрежа» архитекторлари зиммасига тушган. Улар бу масъулиятни вазифани муваффақиятли адо эттиди.



— Темурмалик ака, киномуҳлис-лари орзиқиб кутган ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Эртага XII Тошкент Халқаро кинофестивали тантанали очилади. Энг сўнгги тайёргарликлар ҳам қўриб бўлинди. Ўшбу кинофестивалининг ўзгаришдан фарқи борми?

— Бор, албатта. Аввало овоз юртимиз Ўзбекистоннинг тарихий таърифи белгилаб, ҳар соҳада дадил одимлар отиб бораётган паллада шундай халқаро анжуманининг ўтиши аҳамиятлидир. Айниқса, қудратли кино мамлакатлари бўлган Америка Қўшма Штатлари, Италия, Франция, Германия, Буюк Британиялик атоқли кино усталари — актёрлар, режиссёрларнинг иштирок этиши юртимизга, бизнинг санъатимизга бўлган ҳурмат белгисидир, фестивалнинг обрўсидир. Ниятимиз фестивалимизга кўпроқ мамлакатлар, кўпроқ ижодкорларни жалб этишдир. Бунинг учун эса кинофестивалга пухта ҳозирлик қўридик. Мехмонлар ҳам, ҳамшаҳарларимиз ҳам бунга ўз қўлларини қўриб, қаноат ҳосил қилдилар.

— Кинофестивалининг ҳомийлари бўлса керак?

— Шундай катта ижодий тадбирни йирик жамоат ташкилотлари, компанияларнинг ёрдамисиз ўтказиш анъаня мушкул. Фестивалга «Кока-кола», «ЎЗДЭУА» (мажмуа мукофоти — «Нексия» машинаси), «Совпластитал», «Ўздунро-бита» сингари йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳомийлик қилишмоқда. Хал-

Қурилиш

«ЧОРСУ» СПОРТ МАЖМУАСИ — НОЁБ ИНШОТ

Суратли лавҳа



— Шаҳримизда йирик спорт қосонлари кўлаб бунёд этилаётгани ва унда бизнинг жамоамиз ҳам фаол иштирок этаётганидан бениҳоя хурсандимиз. — дейди «Ўзсаноатфуроркурилиш» корпорациясига қарашли 16-механизациялашган кўча колонна бошлиғи Азам Тўрақўяев. — Қурилишнинг ҳозирги даражага олиб келганда катта меҳнат сарфладик. Майдонни бунёдкорлик ишлари-га тайёрлаш, теварак-атрофдаги ахлатлар ва ифлос тупроқларни олиб чиқиш кетгунча озмунча тер тўкмадик. Айниқса, ишимизга шу жойдан оқиб ўтадиган «Жангоҳ» дарёчаси халал бериб турди. Ер ишлари ва коммуникация йўллари тайёрлашда биздан ташкари «Давлаткоммуналуқурилиш», «Агроқурилиш» ҳамда «Ўзсуккури-

лиш» трестига қарашли «Жиззах-қурилиш» трестининг 34-механизациялашган кўча колонна бўлимаси хизматчилари астойдил тер тўкмади.

Албатта, шу ўринда оқшомонларни мажмуадан жой оладиган спорт заллари қизиқтираётган бўлиши табиий. Бу ерда минг томошабинга мўлжалланган теннис корти, ҳар бири 600 ўринли гимнастика ва спорт заллари, очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, болалар учун ҳовуз, шунингдек маъмурий-хўжалик бинолари бунёд этиладиган, уларга таъмир буюрган томошабин ёки спортчи ўзлари учун зарур бўлган барча қўлайликлардан баҳраманд бўлишади. Ўшбу иншоотлар қаторидан 30 минг томошабинга мўлжалланган футбол ўйингоҳи ўрин олади. Мажмуани-

Масқуд ҚОБИЛЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: «Чорсу» спорт мажмуаси қурилишининг бугунги кўринишидан лавҳалар акс эттирилган.

Рустам Шарипов олган суратлар.

НЕФТЬ ВА ГАЗ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мустақиллик республикамизда нефть ва газ саноати истиқболли учун кенг имкониятлар очди. Ўшбу ҳаётини худда зарур соҳалар йил сайин ривожланиб бормоқда. Жумладан, республикамиз сарҳадларидан ўтган йили газ конденсати билан нефть 8 миллион тонна миқдорда, газ эса 48 миллиард кубометр ҳажмда чиқарилди. Мутахассисларнинг фикрича, Ватанимиз ҳудудининг 60 фоизи нефть-газ захиралари бўйича истиқболли экан.

Буюк Британиянинг «Ай-Ти-И» халқаро савдо ва кўргазмалар компанияси ташкилотчилигида, «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорациясининг фаол иштирокида уч кун давом этадиган кўргазмада «Сименс», «Тексако», «Глобал», «Мобил» каби жаҳон индустриясининг етакчи компаниялари иштирок этаётгани эътиборга лойиқдир.

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида юқоридаги кўргазмага муштарак равишда «Нефть ва газ» мавзусида биринчи халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, АБН Амро банк, Ўзбекистоннинг хорижий инвестициялар бўйича агентлиги иштирокида ўтадиган мазкур анжуманда Ўзбекистондаги нефть ва газ саноати соҳаларининг ҳолати, уларни инвестиция билан таъминлаш, қувурлар ўтказиши, экспортнинг турли йўналишлари ба-тафсил таҳлил қилинади, хорижий мутахассислар юртимизнинг бу соҳадаги истиқболлари билан яқиндан танишадилар.

Дилшод ИСМОИЛ.

СЕУЛЛИК МАОРИФЧИЛАР ТАШРИФИ

Ўтган йили Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Сеул (Жанубий Корея) шаҳар таълим департаменти ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида ахдлашув имзоланган эди. Мазкур келишув шартларига мувофиқ Сеул шаҳар таълим департаментининг бошлиғи Ю Ин Ден бошчилигидаги делегация шаҳар халқ таълими бош бошқармасида бўлди.

Учрашув аввалида шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев бугунги кунда халқ таълими соҳасида юз бераётган илоҳотлар, хусусан бу тизимнинг шаклан ва мазмунан ўзгариётгани ҳақида меҳмонларга сўзлаб берди. Шунингдек, жанубий корейлик маорифчилар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам ўз медалларини бераётганини таъкидлади. Ўз навбатида Ю Ин Ден ҳам Жанубий Корея таълимидаги бугунги ўзгаришлар, тошкентлик ҳамкасблар билан олиб борилаётган ҳамкорликдан фойдаланиш қўлайлигини, шунинг учун бундай тадбирларни янада қу-

лайлаштириш лозимлиги ҳусусида гапирди. Бундан ташқари учрашув давомида шаҳримиздаги корейс тили ва маданиятини ўргатишга ихтисослашган ўқув муассасалари раҳбарлари меҳмонларга ўз фаолиятлари ҳақида сўзладилар.

Узаро сўбат давомида Сеул шаҳар таълими департаменти бошлиғи Ю Ин Ден Ҳамидулла Йўлдошевга фавқий ўрда, бош бошқармага сўз сифатида факс усунаси тўх-фа этди. Айни пайтда меҳмонларнинг ҳар бирига халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Халқ таълими фидойиси» гувоҳнома ва кўкрак нишон, миллийлик рамзи сифатида тўн, Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи инглизча китоб совға қилинди.

Учрашувда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шўхрат Жалилов иштирок этди. Сўнгра жанубий корейлик меҳмонлар шаҳримиздаги намунали таълим муассасалари, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан та-нишдилар.

Мурод РАҲИМОВ.

— Ҳа, ўзгарди. Аввал яхши ларни, шунингдек эшак минган Хўша Наридин акс эттирилган эди. Ўзбекистон Бадий академиясининг катта ёрдами билан уни бугунги шакли қанот ёзиб турган Ҳумо қуши — бахт қушига ўзгарди.

— Фестивалга ташриф буюрадиган меҳмонларга қандай маданий тадбирлар кўрсатиш кўзда тутилган?

— Аввало фестивал очилиши маросимида Ўзбекистон халқ артисти Абдура-

тинининг «Хива 2500 ёшда», машҳур «Баҳор» ракс ансамблининг «Олтин ме-ро», «Тановар» дастасининг «Темурий малаиклар» концерт дастурлари ҳам шу ерда намойиш этиладилар. Меҳмонлар, фестивал катнашчилари Темурийлар тарихи давлат музейи, Давлат санъат, халқ амалии ижоди музейларига, Ўзбекистон Бадий академияси кўргаз-малар залига ташриф буюрадилар. Ки-ночилар уйда эса машҳур кинорассом В. Ереманининг юз йиллигига бағишлан-ган кўргазма ҳам фестивал кўнлари очилади. Меҳмонлар, шунингдек, Мир-зо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети, «Шарқ гули», Тошкент чинни заводи ҳиссодорлик жамиятла-рига ташриф буюрадилар. Қадимий жа-воҳирлар маскани Самарқандни зиёрат қилдилар. Ушлас, улар бир лаҳза ҳам эриктилмади.

— Кўриниб турибдики, барча ташкилий масалалар юксак дара-жада ҳал этилган. Сўнгги сўзимиз — «Мархабо, азиз меҳмонлар!» дейиш экан...

— Ҳа, мархабо азиз киноусталари, овоз Ўзбекистонимизнинг қадимий ва яшарайтган навиқрон пойтахти Тош-кентга мархабо!

Темур УБАЙДУЛЛО сўқлашди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг рес-публика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан уч-рашувида халқимиз ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқ-шунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонун-чилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига яна-да чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар ҳусусида сўз борди.

● Президентнинг «Ҳўжалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

● Президент фармонлари билан Элёр Ганиев Ташки ик-тисодий алоқалар вазири этиб тайинланди, Тохир Раҳимов бошқа ишга ўтганини муносабати билан Ташки иқтисодий алоқалар вазири вазифасидан озод этилди.

● Кеча Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида Бош вазир биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раҳбарлигида га-ла ўрим-йиғимига ҳозирлик қўриш, гўза парварши, ем-хашак тайёрлаш масалаларига бағишланган сим орқали кен-гаш бўлиб ўтди.

● Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар пала-талари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бугун-дан эътиборан амалга киритилди.

● Эртага Тошкентга Грузия давлат вазири Николай Ле-кишвили амалий ташриф билан келади. У икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Грузия ҳўқуматлари ко-миссияси мажлисида иштирок этади.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши тузилди. У дунё аҳлини Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти, урф-одатлари, республикамизнинг илмий ва иқтисодий сало-ҳияти билан чуқурроқ таништиришга даъват этилган.

● Қурилиш ва ёғочсозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси халқаро федерацияси делегацияси Тошкентда Ўз-бекистон касаба уюшмаларининг бозор муносабатлари ша-роитидаги фаолияти билан танишди.

● Тошкентда Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон танкии ижодкорлари иштирокида «Мустақил-лик — бахтимиз, толемиз, қамолимиз» шиори остида му-шоира бўлиб ўтди.

● Пойтахтдаги «Туркистон» саройида истеъдодли эстра-да хонандаси Ботир Зокиров таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб Хотира кечаси ўтказилди.

ХАМДУСТЛИКДА

● Россия Хавфсизлик кенгашининг котиби Иван Рибкин кеча Шимолий Кавказ осмонда рўй берган ҳодиса учун Чеченистондан расмий равишда ўз сўради. Чеченистон вице-президенти Ваха Арсанов Одесса орқали Гаагага йўл олаётган пайтда аввалги ахдлашуларга қарамадан Россия ҳарбий-хаво қўчалари қирувчилари боҳона текшируви-ни ўтказишни талаб этиб ў бўлган самолётни Минерални Води аэропортига мажбуран қўндириш учун хавога қўта-рилтирилди. Лекин Ваха Арсанов парвозни тўхтатиб, «Гроз-нийга қўнди. Шу муносабат билан Чеченистон раҳбарияти Россия федерал маъмуриларини бугун соат 12 га қадар рес-публика ҳудудини тарқ этишларини талаб этди.

● Бугун Қозғонда Татаристон, Чеченистон ва Ингушис-тон президентлари Минтемир Шаймиев, Аслан Масхадов, Руслан Аюшев бу уч республика ўртасида дўстлик ва ҳам-корлик тўғрисидаги шартномани имзолайдилар.

● Бугун Москвада Хамдўстлик мамлакатлари боҳона хизмати раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлади.

● 30-31 май кўнлари Борис Ельциннинг Украинага рас-мий ташрифини тайёрлаш учун кеча Киевга келган Бош вазир ўринбосари Валерий Серов бошчилигидаги Россия ҳўқумат делегацияси бу ерда музокаралар боши берк қўча-га кириб қолганини сабабли яна Москвага қайтиб кетди. Энди Украина ҳўқумат делегациясининг Москвага келиши кўтимлоқда.

● Россия билан Белоруссия ўртасидаги иттифок тўғри-сидаги шартнома имзоланганидан 23 майда Москвада Рос-сия, Белоруссия, Қозғистон ва Қирғизистон давлат раҳ-барларининг олий даражадаги учрашуви ўтказиш мўл-жалланмоқда.

● Польша Президенти Александр Квасневский расмий ташриф билан Киевга келди. Бу ерда Польша билан Укра-ина ўртасида ярашиш тўғрисидаги битим имзоланиши ку-тиляпти. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу республикалар ўр-тасида расмий равишда шундай ҳўжжат имзоланмаган эди.

● Россия Президенти Борис Ельцин ҳарбий прокуратура томонидан 1,4 миллиард рубль миқдорда пора олиш, хиз-мат вазифасини суистемалов қилиш, ўқ отиш қуролли но-қонуний равишда сақлашда айбланаётган мудоффа вазири-нинг ўринбосари Константин Кобецини Қуролли қўчалар са-фидан бўшати.

● Кеча Россияда ҳарбий мақсадларни қўлаб учирилган «Зенит» космик ракетасти парвозининг дастлабки дақиқа-ларида портлаб кетди. Уни яратиш ва учуриш учун 100 миллиард рубль сарфланган эди.

ХОРИЖДА

● «Толибон» ҳаракатига қарши қолицияда бўлган жуда нуфузли генерал Абдувалиқнинг толибонлар томонига ўти-ши Афғонистондаги вазиятни жуда кескинлаштириб юбор-ди.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Вашингтонда НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан учрашди. Унда Ассосан НАТОнинг Шарҳа кенгайиши ва бу ҳарбий блокнинг Рос-сия билан муносабатлари тўғрисида гап борди.

● Бугун Бельфастда Англия маъмурилари Буюк Британия тарихидан чиқушга ҳаракат қўлаётган Шимолий Ирландия сепаратчилари билан ilk бор бевосита музокаралари бош-лайдилар.

● Парижда Франция Президенти Жак Ширак ва Герма-ния канцлери Гельмут Коль ўзаро муносабатлар ва Европа хавфсизлиги муаммоларини муҳокама этдилар.

● Яқинда «Дип Блю» компьютеридан мағлубиятга учра-ган шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ушбу компьютер билан матч-реванш ўтказишни тақдир этди. Бунга жавобан компьютер азалари — «Ай-Би-Эм» компанияси ва-киллари «Дип Блю» билан беллашмиш истагиди бўлган жа-ҳонда талайгина муносиб шахматчилар борлигини билди-риб, «шахмат тожи» соҳибни тақдирини рад этидлар.

Бокс

СОВРИННИ УРИНЛАРИ ЭГАЛЛАШДИ

Туркияда Аҳмад Қумирт кубо-ги учун бокс бўйича халқаро му-собекалар пойнтаи өтди. Ўшбу куб бок баҳсларида жаҳоннинг 15 мамлакатидан келган 166 нафар чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб бوردилар.

Шуниси қувончлики, Ўзбеки-стон бокс федерацияси президенти Алишер Қодиров бошчилиги-даги республикамиз терма жа-моасининг 8 нафар аъзоси 48 ки-лограммдан 91 килограммгача

бўлган вазнларда анча муваффа-қиятли иштирок этишди. Жумла-дан уртадошларимиздан Ҳаким бок баҳсларида жаҳоннинг 15 мамлакатидан келган 166 нафар чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб бوردилар.

Энди етакчи чарм қўлқоп у-сталиримиз 18 май кўни Андижон шаҳрида ўтказилган Мустақил-лик кубоги баҳсларида иштирок этадилар.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Шахмат

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

Тошкентлик ёш халқаро уста Рустам Қосимжоновнинг бундан икки ойга бурун Францияда эриш-ган ғалабалари билан муҳлислар-ни хабардор этган эди. Республи-ка чемпионатидан хил олдин-роқ у яна бир бор Францияда бў-либ, Париж қиёвда ўтказилган нуфузли халқаро турнирда бешин-

чи ўринни эгаллаб қайтди. Жами 88 иштирокчи сафида бир қанча гроссмейстерлар бор эди.

Яна бир гроссмейстеримиз С. Загребельний айни кўнларда Новгород шаҳрида ўтаётган Рос-сия кубоги мусобақаларида қат-нашмоқда.

Мамажон МУРОДОВ.



МАРҲАБО, АЗИЗ КИНОСАНЪАТКОРЛАР!

«Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси раиси, XII Тошкент Халқаро кинофестивали дирекциясининг бош директори Темурмалик ЮНУСОВ билан сўхбат

лан, Арманистонда, биронта фильм су-ратта олинмапти. Шўр, биз ҳозир ҳам йилига олимпиа бадийи фильм, қирқа яқин ҳўжжатли фильмин суратта олапмиз. Ажойиб кино усталаримиз, Шўхрат Аббо-совдек режиссёрларимиз, Хотам Фахизиевдек тасвирчиларимиз, Нозим Тўлақўяев, Сергей Алимбеков, Светлана Муроджўяева, Мансур Маҳмудов синга-ри рассомларимиз, мультипликаторлари-миз бор. Уларнинг номини жаҳоннинг қўл-гина мамлакатларида яқин билишади. Ҳатто ўз кино академиямизни ташкил

ний қадриятлар ва миллий тараққиёт» бизнинг халқимиз жаҳон тараққиётига маънавият, маданият бобида беқиёс кат-та улуш қўшганини етти иқлим билади. Симпозимда худди шу нуқтага назардан туриб сўзлаш айти мудоао бўлади.

— Шинор факат XII фестивалгаги-на тааллуқли бўладими?

— Биз ушбу шиорни доимий қилиб белгилдик.

— «Кинода миллий анъаналарни ривожлантириш учун мукофотини-нг шакли ўзгарибдими?

шид Раҳимов ва киночи Юсуф Зокиров бошчилигида махсус концерт дастури тайёрланмапти. Унда ilk марта фестивал-нинг янги мадҳияси янграйди. Фестивал-кўнларида меҳмонларни шаҳримиздаги театрлар ўзларининг энг яхши томоша-ларига тақдир этидлар. Мукарама Тур-ғунбоева номидаги «Ўзбекракс» бирлаш-маси ҳам ўзига хос томоша тайёрлаб, «Баҳор» концерт залида намойиш этади. Миллий симфоник оркестримизнинг чи-қишлари, «Зарафшон» фольклор даста-сининг «Бўҳоро 2500 ёшда», «Лазги» дас-

тасининг «Хива 2500 ёшда», машҳур «Баҳор» ракс ансамблининг «Олтин ме-ро», «Тановар» дастасининг «Темурий малаиклар» концерт дастурлари ҳам шу ерда намойиш этиладилар. Меҳмонлар, фестивал катнашчилари Темурийлар тарихи давлат музейи, Давлат санъат, халқ амалии ижоди музейларига, Ўзбекистон Бадий академияси кўргаз-малар залига ташриф буюрадилар. Ки-ночилар уйда эса машҳур кинорассом В. Ереманининг юз йиллигига бағишлан-ган кўргазма ҳам фестивал кўнлари очилади. Меҳмонлар, шунингдек, Мир-зо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети, «Шарқ гули», Тошкент чинни заводи ҳиссодорлик жамиятла-рига ташриф буюрадилар. Қадимий жа-воҳирлар маскани Самарқандни зиёрат қилдилар. Ушлас, улар бир лаҳза ҳам эриктилмади.

— Кўриниб турибдики, барча ташкилий масалалар юксак дара-жада ҳал этилган. Сўнгги сўзимиз — «Мархабо, азиз меҳмонлар!» дейиш экан...

— Ҳа, мархабо азиз киноусталари, овоз Ўзбекистонимизнинг қадимий ва яшарайтган навиқрон пойтахти Тош-кентга мархабо!

Темур УБАЙДУЛЛО сўқлашди.

... Аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

Эртага «Давлат, оила ва жамият — ёшлар тарбияси муаммолари» мавзусида Тошкент шаҳар конференцияси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимовага бир неча саволлар билан муурожаат этди.

— Фарида Йўлдошевна, энг аввало конференциянинг ўтказилиши, мақсади ҳақида гапириб берсангиз.

— Навқирон давлатимизда ёшлар тарбиясига биринчи даражали аҳамият берилганлиги бежиз эмас. Биз ўз олдимизга келажакда буюк давлат барпо этишдек улуғвор вазифани қўйганмиз. «Биз жамиятимиз, давлатимиз келажакни кимларнинг қўлига топширамиз?». Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг 30 апрель куни бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқларида жамиятимиз истиқболлини, миллатимизнинг тақдирини, иқболлини, бахту саодатини ўйлар эканмиз энг аввало мана шу саволга жавоб топишимиз керак, деб алоҳида таъкидландилар.

Баркамол инсонни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир. Юртбошимиз бу масалага ҳамisha эътиборни қаратиб келганлар.

Ҳозир республикада мажбурий умумий ўқув йиллик ўрта таълим тизими таркиб топган. Аммо 9-синфни битираётган ўқувчиларнинг ярмига яқини мактаб ташқирисидан қолаётганлиги давлатни ҳам, жамиятни ҳам ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Усириқлик инсон умрида энг нозик, энг мураккаб давр ҳисобланади. Бу ёшда йигит-қизларимизнинг онги, ҳули ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тугал шаклланимаган бўлади. Шундай экан суяги қотмаган ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, уларнинг тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак келажакда уларнинг қомил инсонлар бўлиб етишмоғига хим қаролат бера олади?

Бу жуда ўткир ва долзарб муаммо шахримиздаги барча туманларда

Долзарб мавзуда

КЕЛАЖАГИМИЗ ТАҚДИРИ — УЛАР ҚЎЛИДА

кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган анжуманларда муҳокама этилди. «Давлат, оила ва жамият — ёшлар тарбияси муаммолари» мавзусида республика конференцияси ҳам ўтказилди. Тошкент шаҳар анжуманида ҳам бу муаммоларни атрофича муҳокама этиб, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш ишчилари қўйилди.

— Шаҳримизда ёшлар тарбиясини янада такомиллаштириш учун қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда?

— Президентимиз қўрсатмалари асосида умумий таълим тизими туб жиҳатдан янгиланмоқда. Бунда асосий эътибор таълим-тарбия ишлари шакллари, усул ва воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос ҳолда ривожлантиришга қаратилмоқда. Пойтахтдаги кўпгина ўқув юрлари компьютерлар, бошқа замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Ўқувчиларнинг касб маҳоратларини ошириш яхлит тизими ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга бугунги кунда халқ таълими тизимида ўқувга энг замонавий услубларни жорий этиш, ёшларга ҳозирги кун эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунар ўргатиш масалаларида жиҳдий ўзгаришлар сезилаётгани йўқ.

— Тўлиқсиз ўрта мактабни тугаллаб ўқишни давом эттирмаётган болаларнинг бозорлар атрофида айланиб туришчилик ўтказиб юрганилиги ҳақида қандай фикрдасиз?

— Президентимиз ҳам бунга эътиборимизни қаратдилар. Бозор иқтисодиётига ўтмиш даврда ҳаётимизда мураккабликлар мавжуд эканлигидан кўз юма олмаймиз. Аммо фақат бугунги кунни ўйлаб ёшларимизни чуқур билим олишларига шарт-шароитлар яратиш бермасак, келажакимизни қандай тасаввур этамиз?

Бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикада иқтидорли ёшларни чет элларда ҳушдор қўрилмоқда. Аммо уларни ҳали етарли даражада олимаймиз. Бунга Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида ҳали ҳам турли жиҳотлар содир этилаётганлиги кўрсатиб турибди. Биз балогатга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликни жилавола оламасак, бир неча йилдан сўнг жамиятимизда аҳвол қандай бўлишини жиҳдий ўйлаб қўришимиз зарур. Умуман олганда ана шундай ноҳуш ҳолатлар негизда оиладаги ота-онанинг, маҳалла, мактабнинг бола тақдирига бепарволиги, лоқайлиги, эътиборсизлиги, назоратнинг йўқлиги ётибди.

— Балогатга етмаганлар ўртасидаги жиноятнинг илдишлари нимага бориб тақалади дейсиз?

— Бунинг учун оила ва мактабнинг, маҳалланинг масъулиятини соқит қилмаган ҳолда ёшларнинг бўш вақтларини ташкил этишга ҳам жиҳдий эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Усириш мактабдан келгандан кейин нима билан шуғулланади? У умуман мактабда ўқимаса-чи? Ота-оналари ишда бўлса, улар кимнинг назорати остида бўлади?

Шунинг учун турар жойларда маданий-маърифий ва спорт ишларини кескин жонлантириш ҳаётий муҳим вазифага айланимодир. Тўғриси айтилган бўлса, кўпсанлиқ кўчаларда баҳонаси билан турли тўғаришлар ишчи чеклаб қўйган. Турар жойларда спорт ишлари ҳам асосан ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бугунги кунда биз «Соғлом авлод учун», «Қамолот», «Умид», «Истеъдод», «Олтин мерос», «Улуғбек» жамғармалари сайё-ҳаракатларини бirlаштириш, мувофиқлаштириш чора-тадбирларини қўришимиз керак. Агар улар чинакамга бир ёқадан бош чиқарса, ёшлар тарбиясини тубдан яхшилаш мумкин, деган фикрдиман.

Биз ёшларимизни ўз Ватани, халқи, миллати учун гурурланиш руҳида тарбиялашга катта эътибор беришимиз зарур. Ҳозир жойларда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари ташкил этилаётганлигини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш зарур. Уларда ёшларимиз жисмоний жиҳатдан қилиниб, бошлангич ҳарбий таълим қўниқмаларини ҳосил қилишдан чолмасдан ўз Ватанининг посбони бўлишдек шарафли бурч масъулиятини ҳам тўлиқ ҳис этишлари даркор.


Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маънавиятни юксалтиришга нақард катта эътибор берилганлиги яхши маълум. Лекин йигит-қизларимиз ҳамisha ҳам театрларга тушадиларми? Музейларда, кўрғазмаларда бўладиларми? Китеб мутолаа қилишадими? Ёшларнинг маънавий тарбияси учун ижодкорлар ҳам ўз жавобгарликларини ҳис қилишлари керак, деб ўйлайман. Сўнгги вақтларда танқили ва истеъдодли адибларимиз, санъаткорларимизнинг мактаб ўқувчилари, умуман ёшлар билан урғуларини ўтказиш негидир унут бўлиб боришмоқда.

Шарқ қадриятлари она сути билан кирган ёшларимиз учун мўътабар охотан ва нуроний онахоналаримизнинг ҳаёт тажрибалари, қимматли маслаҳатлари жуда фойдалидир. Улар йигит-қизларимизни Ватанини ҳеҳис севини, бунга фақат оғизда эмас, амалий ишлари билан ишбoтлаш зарурлигини мўътабар ўқидири боришлари лозим.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳуқуқ-тарбиёт идоралари ходимларининг йигит-қизлар билан тез-тез учрашиб турлишларини йўлга қўйиш лозим.

Ўсиб келаётган ўғил-қизларимизни қамол топтириш, уларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш — умумдавлат, умумжамаият вазифасига айланди. Бу жуда масъулиятли ишда давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан бирга хотин-қизлар қўмиталари ҳам янада фаоллик кўрсатадилар.

Давлат, оила ва жамият — ёшлар тарбияси муаммолари



Тадбиркорлик кейинги пайтларда ёшлар орасида кенг тарқалаётгани кувончли ҳолдир. Айниқса, техника, хусусан, компьютер ўрганишга интилиш кишини қувонтиради. Ишлаб чиқаришдаги тадбиркорлик эса ўз самарасини берибгина қолмай ёшларимизни меҳнат, янгилликларни излаб топиш сари ундайди.

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида М. Мирсоатов ва З. Фуломов компьютер сирларини эгаллашмоқда. «Безак» корхонасининг маҳсулотлари харидориги бўлишида дизайнчи Елена Фушкованинг ҳиссаси катта.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Инсон ҳаётида унутилмас кунлар, даврлар кўп бўлади. Ҳарбий хизматга кузатиш ҳам ана шундай эсда қоларли кун ҳисобланади. Уйда оила аъзоларинг, қариндош-уруғлару дўст-ёрлар жамул-жам, сени эса эрта-индин Ватан олдидаги шарафли бурч — ҳарбий хизмат кутмоқда!

Собир Раҳимов туманида яшовчи бир гуруҳ бўлажак посбонларни кузатиш маросими катта шодонлиқга айланди. Ушбу муносабат билан туман ҳокимлиги, «Қамолот» ва «Нуроний» жамғармалари ҳамкорликда генерал Собир Раҳимов ҳайкали пойида катта тантана уюштирилди. Унга ҳарбийга қаҳирлулчилар билан

Хизмат давомида туман ҳокимлиги ва «Қамолот» жамғармаси биз билан доимий алоқада бўлишларини эшитиб, ойим анча хурсанд бўлдилар.

— Ҳукуматимизга раҳмат, — дейди меҳнат фахрийси Тўлаған Собиров. — Мана шу саф тортиб турган невараларимга қараб завқим келяпти. Булардаги ғайрат

Посбонлар

АСКАРИ ҚУВВАТЛИ ЮРТ

бирга ота-оналар, нуроний кексалар, шунингдек, пойтахтдаги ҳарбий бўлинмалардан бирининг аскарлари ҳам таклиф этилдилар. Туман ҳокими Қомилжон Тошпулатов бўлажак юрт посбонларига оқ йўл тиллади. Кексалар ўғити — ёшларга ҳамisha йўлдош. Нуроний уруш қатнашчилари юрт хизматида отланаётган ўғлонларга ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида гапириб бердилар. «Қамолот» жамғармаси туман бўлимининг раиси Улуғбек Турғунов эса ёшлар жамғармасининг муурожаатномасини ўқиб берди.

Олов ўғлон, алаңга ўғлон, Довруғ солгин тўрт ёнга ўғлон. Қўзларингизда юрт ишқини

Юлов тутган Амир Темур бўл! Турон туғи юксалар ахир Эгарларкан отин Тўнга эр. Жаннатмакон Ўзбекистонинг Келажаги буюк давлатдир. Ватандир йигитга шон ўғлон, Элим деб, қуртим деб ён,

Ҳарбий бўлинма аскарлари тўпланганларга ўзларининг жанговар маҳоратларини намойиш этдилар. Бўлажак аскарларга «Қамолот» жамғармасининг совғалари топширилди. Тумандан қаҳирлиган шунқорлар бутун ҳарбий хизмат давомида ушбу тантанани эслаб юришлари аниқ.

— Мен оилада тўнғич фарзандман, — дейди қорақамшилик Фарход Саидов. — Қаҳир қогози келганида очиги, синфдошлар ичидан биринчи бўлиб хизматга боришимдан қувондим! Ўзимнинг ниятим ҳам ҳарбий учувчи бўлиш.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

— Иқтидорли ёшлар ҳақида ёзмоқчи эдим, дейсизми? Агар шундайлар керак бўлса марҳамат, мана Ғайратжон билан суҳбатлашсангиз бўлади. У ўтган йили Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини муваффақиятли тамомлаб, олий маълумотли диплом соҳиби бўлди. Ўшанда энди у ҳамкасблари ва севган корхонасини ташлаб ўз ихтисоси бўйича ишга кетади, деб ўйлаган эдик. Йўқ у бизни ташлаб кетмади. Касбга садоқат кўрсатди. Мутахассислигини ҳам унутмади. Шанба кунлари ва ишдан бўш вақтларида корхонамиз оталиғидаги мактаблардан бирида чет тилидан ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Сизга энг муносиб қаҳрамон шу йигит бўлади, — дейишди «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамиятидагилар.

Ғайратжон Имомқулов ишлаётган 7-механика йиғув центри томон юрди. Бу ерда асосан деталларга ишлов берилади, яъни силликланади. Цех бўйлаб уч қатор терилган дастгоҳлар бир зум тинмайдилар. Уларнинг кўпчилигини ёшлар бошқаришмоқда. Ишчиларнинг тез ва қаҳқон ҳаракатларини кўриб, бир зум уларга ҳавас билан термулиб қолдик.

— Ҳов анави йигит Ғайратжон Имомқулов бўлади, — деди унинг устози Шунқор Абдиев ўз ишига берилиб ишлаётган ишчини кўрсатиб. Сезгир йигит бизга бир нигоҳ ташладию қўлидаги детални охиригача силликлаб, сўнг устозига юзланди.

— Хизмат уста, бирор юмуш бормиди? Шунқор ака завқ билан қулди. Сени газетага ёзмоқчи бўлиб келишибди. — Устозлар турганда бизга йўл бўлсин. Ғайратжон таклифга кўнмай, тижирлик қилиб турди. — Менга қара, гап битта. Бошлиқлар сени тавсия этишди. Устознинг сўзидан кейин у бизга муурожаат этди:

— Ундай бўлса нима ҳам дердим.

Ғайратжоннинг таржимаи ҳоли ҳам ўзи каби оддийгина экан.

САДОҚАТ

Самарқандда туғилган. Кейин оиласи Тошкентга қўчиб келибди. Ўрта мактабда ўқиб юрганида чет тилига ихлоси балинд экан. Ўқитувчиси Ибодулло Ҳусанов буну сезиб унга «оталик» қилибди.

— Жамоат ишларида ҳам фаол қатнашардим. Бир неча йил ёшлар ташкилотини бошқарганман. Мусиқани севардим. Бўш қолдим дегунча қўлимга рубоб олиб, ўзимча бирон қўшиқни хиргойи қилганим-қилганим эди. Мактабда ўтадиган барча тадбирларда фаол қатнашардим.

— Қандай қилиб корхонага ишга келиб қолгансиз?

— Биласизми, ўқувчилик чоғимда техникага ҳам қизиқишим катта эди. Мактабимиз қошида ташкил этилган тракторчилик курсини битириб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олганман. Кейин чет тиллар институтига икки

Ривоят қилишларича, бир аёл уч яшар боласини Ибн Синонинг ҳузурига олиб келибди ва донишманддан: «Болам уч яшар бўлди, уни қандай тарбия қилсам экан?» деб маслаҳат сўрабди. Шунда ул мўътабар зот: «Болани тарбиялашга кеч қолибсиз, уни туғилгандан тарбиялай бошламоқ лозим эди», деган эканлар.

Дарҳақиқат, адаб ақл буюрган равишда иш қилиш, ярамас ишдан, ёмон сўздан ўзини тийиш, ўзининг ҳам, бошқаларининг ҳам иззатларини сақлаб, оғруларини тўқмасликдир. Адабли бўлмаган ақл қурол-аслаҳасиз баҳодирга ўхшайди. «Ахлоқ» сўзи арабча «хулқ» сўзининг қўлиғи бўлиб, инсоннинг нафсида, табиатида ҳосил бўлган ва тақрирланадиган ҳолатдир.

● ЭЪТИКОД — ҳар ишда ўртача йўл тутмишга ҳаракат қилишни, «ишларининг хайрлиси ўртача бўлган ишдир» деган ҳикматли сўзини унутма.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

● ТАВОЗЕ — ўз иззат-нафсини йўқотма, тубанлиқни ихтиёр қилма. Ширин сўзми, очиқ юзми, хушмуомалали бўл.

бор кириш имтиҳонларини топширдим. Лекин насиб этмаган экан, қабулдан ўтолмадим. Шунда кўчадан ўтиб бораётсам «Тошкент трактор заводи»га ишчилар керак», деган эълонга қўзим тушиб қолди. Ўша кунлик корхонага бордим. Эртасига ҳужжатларни расмийлаштириб, ишни бошлаб юбордим. Ўн йил бўлдики, шу корхонада ишлаб келяпман.

— Сизни жаҳон тиллари университетини битирган дейишди.

— Уни ўтган йили сиртдан тугатдим. Ишга таклиф этилди. Очиғи корхонам уйимдек қадри бўлиб қолган экан, уни ташлаб кетишга қўзим қиймади. Ҳозир иш билан бирга мактабда чет тилидан дарс бераман.

— Бу борада ҳарбий хизматни ҳам ўтаб келди, қўшимча қилди устози.

— Шунқор акадан жуда миннатдорман, — дейди Ғайрат Имомқулов. — Аввало шу кишининг маслаҳатлари билан корхонада муқим қолиб кетдим...

Ғайратжоннинг корхонада дўстлари, шоғирдлари кўп. Алишер Жумабобоев, Бахтиёр Қосимов сингари ҳамкасблари билан фахрланади.

— Ҳукуматимиз биз ёшларга барча қулайликларни яратиб бермоқда, — дейди Ғайрат Имомқулов. — Ҳозир аини ишлаб ўзини кўрсатадиган замон.

Ғайратжоннинг оиласи билан танишдик. У умр йўлдоши Нодирахон билан Қамолдин ва Нарғиза исмли фарзандларини қомил инсонлар этиб тарбияламоқда.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Назм

ОДАМИЙЛИК ХИСЛАТИ

Эй ўғил, сен аввало, бўл ўзингга мустақил, «Етти ўлчаб, битта кес», элда шундай нақл, Эр кишининг ҳурмати, зийнати, кўрқи ақл, Одам эрсанг, одаимийлик хислатини пеша қил, Ота-она, ёру ошно, ўзгадан андиша қил.

Тўғри сўз тошни ёрар, эгриси бошини, ўғил, Кесмағай асло қилич эгилган бошини, ўғил, Чимирмасин Искандар бехуда қошини, ўғил, Одам эрсанг, одаимийлик хислатини пеша қил, Ота-она, ёру ошно, ўзгадан андиша қил. Искандар РАҲМОН.



Боланинг ёшлигиданоқ она меҳри билан қўлганиши унинг бахтиёр, энг муҳими, соғлом ўсишида муҳим омилдир. Буни ёш оналар ҳамisha дил тўрида туттишлари лозим.

Равил Альбеков олган суратлар.

Одобнома

ХУЛҚИ ЯХШИ — КОМИПРОФИ

Адаб, тавозе, садоқат, саҳийлик каби яхши хислатлар қўрқам хулқли одамларда мужассам бўлур. Фазилат бутун гузал ахлоқнинг инсондаги мажмуидир. Бир донишманд инсоний фазилатни ўн уч қисмга ажратган экан.

● СУКУТ — ўзининг ва бошқаларга фойда етказадиган сўзларни сўзла, бўлмаса сукут қил.

● ИНТИЗОМ — ҳар ишга бир вақт, ҳар нарсасга бир ўрин тайин қил, тартибли, интизомли бўл.

● САБОТ — қўлингдан кела олишига қўзинг етган ишга кириш, бошлаган ишининг тамом қилишга бел боғла.

● РИЕЗАТ — керак бўлганича еб-ичиб, нафсининг қолиб бўлишига ғайрат қил.

● ИДОРА — қўлингга кирган пулни ўзининг, оилангга ва бошқаларга фойдаси етгандиган ерларга сарф қил, яхши идора қил, исрофгарчиликдан сақлан.

● САБИ — энг буюк ҳазиналарнинг қилити дақиқалар эканини англа, вақтинчи бекорга ўтказма, сазй-ғайрат қил.

● ТУҒРИЛИК — ҳар ишингда, сўзингда тўғри бўл, тўғри ишла, тўғри сўзла, ёлгон ва ҳар хил эгрликларнинг асирин бўлма.

● ҲАҚҚОНИЯТ — инсоф ва адолат билан иш қил.

● ПОҚЛИК — қўлингда бўлган ҳар нарсанинг пок, тоза бўлишига диққат қил.

● САБР — мабодо бошингга оғирлик тушса чида, Сабрсизлик қилма.

● ИФФАТ — номусингни ҳаётингдан ортиқ ва муқаддас бил.

Азияхон ЗАЙНИДДИНОВА, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Дунёнинг жуда кўп, жумладан Кани, Токио, Венеция, Торонто, Сан-Ремо, Берлин, Локарно, Сан-Себастьян шаҳарларида мунтазам кинофестиваллар бўлиб туради. Бу нуфузли рўйхатда бизнинг гўзал, меҳмондўст Тошкент шаҳримиз ҳам бор. Истиклолнинг фаробхонашидан тотаётган юртимизда «Ўзбекино» Давлат акционерлик компанияси, XII Тошкент Халқаро кинофестивали бош дирекцияси, кинофестивалнинг саралаш комиссиясининг кўли-қўлига тегмайди. Саралаш комиссиясининг раиси, машҳур кинорежиссёр Шухрат Аббосов билан бўлган суҳбатимиз ушбу киноанжуман тўғрисида бўлди.

— Шухрат Солихович, кинофестивалда асосан турли давлат фильмлари ва кинорежиссёрларнинг вакиллари иштирок этадилар. У ижод ахли ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Бу галги Тошкент киноанжуманида нечта давлат иштирок этади?

— Кинофестивалда 50 дан ортиқ мамлакат ўз фильмлари билан иштирок этади. Анжуман бошлангунча қадар вакилларимиз фестивалда қатнашиш истагини билдирган мамлакатларда бўлиб, уларнинг фильмларидан анжуманимиз шiori ғоясига тўғри келадиган, юксак бадиий савияси, кино асослари талабларига жавоб берадиган фильмлардан намуналар олиб, хорижлик кино-

ҲАЙРАТ ДУНЁСИ

чиларни тақлиф қилиб қайтдилар.

— Маълумки, Тошкентда «Ўзбекино» қошида саралаш комиссияси фаолият кўрсатади. Аъзолар кинофестивалга тақдим этилган фильмларни кўридан ўтказишди. Саралаш нимага асосланган ҳолда олиб борилади? Комиссия хулосалари қандай? Комиссияда кимлар иштирок этади?

— Саралаш ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, фестиваль йўналиши, ғоясига асосан олиб борилади. Комиссия аъзолари маълум топган фильмлар фестивалда маълумот учун бир мартадан киночилар уйида намойиш қилинади. Комиссияда ўзбек маданияти, санъатига ўзининг муносиб ўлушини кўшиб келадиган киношуносларимиздан, режиссёрларимиздан иборат гуруҳ тузганмиз. Гуруҳда С. Хўжаева, Х. Акбаров, У. Назаров, Ж. Тешабоев, Ф. Мусахонов, Т. Юсупов, С. Назармухамедовлар ҳар бир фильмининг синчилаб кўздан кечирдилар.

— Бу анжуманга қадар ҳам Тошкентда киночиларнинг аъёнаний байрамлари ўтказилган. XII фестивалга қадар ҳам киночилар оммавий ахборот воситаларида бу воқеани ёритиб билан бир қаторда махсус нашр ҳам чоп қилинган. Бу аъёнаний олдига навбатдаги кинофестивалда қандай қаралмоқда?

— Аъёнаний аъёнанийга қолади. Журнал ҳақидаги тўлиқ маълумоти... у босилгандан кейин олаёқилинг.

— Кинофестиваль ўзбек миллий киноси ҳаётида жуда муҳим воқеа. Шу билан бир қаторда ўзбек киноси имкониятларини дунё киноси саҳнасида кўрсатиш учун восита. Анжуманда қайси режиссёрларнинг фильмлари намойиш қилинади?

— Ўзбек миллий киносининг замини пухта. Лекин орадаги турғунлаш ўз қўлидан чиқмаслигини салбий таъсири хали кўп сезилади. Жаҳон киносини кўриш, ўрганиш, бошқалар таъсирига тушиб қолмаслик, бугунги томошабин талабига жавоб берадиган, миллийлик билан суғрилган фильмлар яратишимизда дийдорлашув ижобий натижалар беради. Ўзбек киночиларидан Қамара Камоловнинг «Атроф оппоқ қорға бурқанди» ва Исмаил Эргашевнинг «Буюк Амир Темур» фильмларини намойиш этишни режалаштирялмиз.

— Ижодкорларга совринлар ҳам таъсис этилганми?

— Анжуман иштирокчиларига қарайиб совринлар — ГРАН-ПРИ — «Олтин Семур» энг яхши фильм учун «Олтин лоп» — энг яхши аёл роли учун, «Олтин арча» — энг яхши эркак роли учун, «Кумуш Семур» — муваффақиятли илк қадам учун тақдим этилади. Кинематографияда миллий қадриятлар ва аъёнанийни акс эттиргани учун ҳам махсус соврин таъсис этилган.

Бугундан ташқари Бухорининг 2500 йиллиги тантаналарига тайёрларлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитаси, республика халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси, «Наврўз», «Камолот» жамғармаларининг ҳам таъсис муқофотлари бор. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси эса ҳайат аъзоларидан бирини тақдирлаш ниятида.

— Фестивалда афишаларга қараганда кинобозор ҳам ташкил қилинади?

— Ҳа, кино бозори бўлади. Унда иштирок этиш учун буюртма бериш керак. Бундан ташқари студиялар ўз фильмлари ҳақида кино бозор ташкилотчилари билан келишган ҳолда маълумот ва рекламалар қилишлари мумкин.

— Кинофестивалнинг ғояси нимага йўналтирилган?

— Фестиваль «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шiori остида ўтади. Унга атаб 2 та мадҳия яратилди. Биринчиси «Ўзбекистон халқ шiori Абдулла Орипов матн, бастакор Анор Назаров мусика, иккинчиси Мухаммад Юсуф, Тоир Юнус матн ёзиб, Зола Пак мусика басталди».

Суҳбатни Махлиё МИРСОТОВА ёзиб олган.

Эртага кинофестиваль! Кино аҳли, мухлислар байрами! Унга етишганимизга шукр. «Қани, ўзлари халқаро анжумани тайёрлаб, ўтказса оладиларми, йўқми?» деб кўз тикиб турганлар йўқ дейишимиз? Шу сабабдан ҳам масъулиятни сезиб, кунни тунга улаб, фестивал масалалари билан шуғулланган вақтларимиз кўп бўлди. Бугун бу қизгин ташкилий ижодий жараёнга яқун ясамаймиз, албатта. Лекин ойлار давомида изланган фильмлар топилди, экранга тақдим этилди, ўнлаб машҳур санъаткорлар шаҳримизга келиб, ўз ҳаёти-ни муқтабик шароитда қайта қураётган Ўзбекистон билан таниша бошладилар. Биз қўрқам хибонларимиз, шох кўчаларимиз, тарихий обидаларимиз-у замонавий биноларимиз, муҳими қалби гўзал, нияти пок, режалари олижаноб юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Соҳибқирон Амир Темур хайкали пойига ва Темурийлар тарихи давлат музейига бирга бориб баҳодир халқимизнинг буюк ўтмишини фахр билан тилга оламиз, олий ўқув юртиларида эса янги авлоднинг бобокалон вазиятларига содиқ бўлишга, куч-ғайратини бунёдкорликка қаратишга интилаётганини кўрсатамиз. Бундай суҳбатлар ҳар ерда — «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ва «Ўзбекино» Давлат акционерлик компаниясида, Самарқандга йўл олган махсус поездда ҳамда матбуот конференцияларида, кинотеатрларда ва аэропорт, вокзал, ҳокимлик биноси, кинотеатрда давом этаверади. Шу билан бирга фестивалнинг ташкилий қўмитаси режалаштирган давра суҳбатига назарий-фалсафий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади. Фестивалнинг

ажойиб шiori — «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» эса анжуман иштирокчиларига кино, ижтимоий ҳаёт, мерос, истиқбол каби кенг тушунчалар ҳусусида фикр юритишлари учун имкон беради. Биз аввало меҳмонларнинг маърузаларини тинглашга муштокмиз. Шу билан бирга ўзимиз ҳам миллий кинонинг тоталитар тузум давридаги аҳоли ҳамда унинг муқтабик шароитидаги режалари, изилиниши, ўз йўлини ўзи белгилаб қамолот сари бориши ҳақида сўзлаш ниятимиз бор. Дарҳақиқат,

ЭЗГУЛИК ШАБАДАЛАРИ

мавзу танлашда бизни чеклаб, назорат қилиб, «тўғрилаб» қўйишлар (темурийлар, бобурийлар, жадидлар билан боғлиқ бўлган мавзуларни Москва таъсидлаганини эсланг) ортда қолди. Хорижий мамлакатлар билан ўзимиз бевоқиф алоқа ўрнатиб ҳамкорликда ижод этишга имкон олдиди, янги фильмлар сурашга олиниши учун маблағ олди... Демак, янги талаблар даражасида фаолият кўрсатишимиз, халқаро микёсида шухрат қозонадиган асарларимизда ўлкаимизни, халқимизни, унинг юксак интилишларини тараннум этишимиз кун тартибига қўйилиши табиийдир. Юртдошларини кинотеатрларга тақлиф этадим. Улар бир ярим-икки соат давом этадиган ранг-баранг асарларни кўриб, турк гўзаллигини севги-содқат, хитой йиғитининг матонати, озар-

байжон фарзандининг падири бузурига бўлган меҳри, Қуръа халқининг таомили, покисонлик йиғитининг вафодорлиги билан танишадилар, завок оладилар, фикр юритадилар, уларни кўриб, таҳлил қилиб турли мамлакатлар кино санъатлари қай аҳволда эканлиги билан танишадилар...

Одатда маррага етиб келганимизда ортага бир назар ташлаб қандай йўлни босиб ўтдинг, қайси ерда соя-салқин излаб ўзингни панага олдинг — шулар ҳақида ҳам ўйлайсан. Шундай экан, фестивални тайёрлаган ташкилий қўмита, бош дирекциясига миннатдорчилик сўзларини айтинг келамди; оз фурсатда катта халқаро микёсда иш олиб борилади. Бу меҳнат самара беришини қомил ишонч билан айтаман. Шу билан бирга Тошкент XII Халқаро кинофестиваль ўтказиладиган шаҳар бўлиб қолар экан, унинг домийи ишлаб турадиган дирекциясини таъсис этиш, анжуманга атаб турли фильмлар яратиш зарурлиги ҳақида ҳам ўйлайсан. Шунингдек, фестивалга тайёрларлик кўриш кунлари матбуот ходимлари учун жаҳон киноси масалалари ҳамда уларни ёритиш таъминоти семинарлар ўтказиш зарурлигини ҳам англадик. Баржимонолар эса юксак билимга эга бўлиш билан бирга фильмларни кўриб, ўрганиб, машқ қилиб фестивал кунларида бўладиган қўрққа пухта тайёрларлик кўришларини таъминлаш лозимлиги ҳақида ўйладик...

Шундай қилиб, юртимизга фестивал шободаси етиб келди. У олиб келган хушбағдар миллионлар воқиф бўлишдан умидвормиз.

Ҳамидулла АКБАРОВ, профессор, киношунос.

РАНГИН ОПАМ СОҲИБАСИ

«Режиссёр кўп қиррали ва чуқур мушоҳадали, ташкилотчи ва тадбиркор, қисқаси ўз атрофида кинонинг турли касб эгаларини йиғиб, уларни ягона мақсад сари ўз ортидан эргаштира оладиган ижодкордир».



ролни ижро этган.

Режиссёрнинг кўпчилик фильмлари турли халқаро кинофестивалларга тақдим этилган, соврин ва дипломлар билан тақдирланган. Яқинда ижодкорнинг янги ишларидан бири — «Атроф оппоқ қорға бурқанди» фильми Франциянинг Нант шаҳрида ўтган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари фильмлари мусобақасида қатнашиб, нуфузли ўринни эгаллади, мукофот билан қайтди. Бу киноанжуман 23 йилдан бери ўтказилади ва ҳар сафар ўзига хос байрамга айланади. Бағоят ранг-баранг, кечаю кундуз шодоналик билан ўтадиган бу киноанжуманда олис Ўзбекистондан келган аёл режиссёрнинг фильми томошабинлар ва ҳайрат аъзолари диққатини ўзига жалб этади. «Атроф оппоқ қорға бурқанди» фильми барча миллат кишилари бефарқ қарамайдиган мавзу — инсон ва табиат, инсон ва муҳаббат, инсон ва бурч тулушларига янгича таъсир беради.

Фильмнинг бош қаҳрамони — ўсмир қиз Асал, онаси хотираси учунгина эмас, табиати, жониворларни чексиз севгани учун ҳам тенгқурлари каби шаҳарни орзулаб кетмади, қўрққонда қолди. Хайвонлар, майсалар, гуллар — шу қўрққонга унинг ҳамроҳи, сирдоши, дўсти. Қутилишганда бу ерга ишга келган ёш ўрмончи йиғит унинг ҳаётини остин-устин қилиб юборади. Ҳаёллари, оддий кунлари берибди бўлиб кетган қиз ўзи билмаган ҳолда қалбига йиғитга нисбатан илиқ туйғулар уйғонганини сезади, сезгани сайин кўради: ахир, йиғитнинг оиласи, суюкли хотини бор. Табиатнинг бу сўлими, ошуда гўшасида фақат Асалгина бедор. Ҳиссийатлари уни ҳам юксакларга элтади, ҳам яқсон этиб юборгудек бўлади. Лекин бу ўтиб кетади, баҳор келиши билан чор-атрофини қоплаган қорлар каби йўқ бўлиб кетади, баҳор билан бирга қиз қалбига ҳақиқий муҳаббат кириб келади... Табиат тозаланапти, одамлар кўнглидан, табиатдан ғубор ариятти. Шу билан баробар ахши ният, ёруғ умидлар тугийлапти. Биз Асалга шуларни тилаб, у билан хайрлашамиз...

Истеъдодли актёр Саъдулла Молдахонов ва мактаб ўқувчиси Раъно Шодиевалар инсон муносабатлари билан табиат уйғунлигини ғоят нафис, рангин буюкларга таъсир этадилар.

Халқаро кинофестивалда Қамара Камоловнинг ҳам фильмлари намойиш этилади. Уйлаймизки, улар меҳмонларни ҳам, ҳамшаҳарларимизни ҳам бефарқ қолдирмайд.

Жаҳон НИШОНОВА, СУРАТДА: «Ўзганинг бахти» фильмидан лавра.

«УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ» — ЭРТАГА ШАҲРИМИЗДА ОЧИЛАДИГАН XII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ШИОРИ АНД ШУНДАЙ!



ТОШКЕНТНИНГ МАФТУНИ БЎЛИШСИН

Кино фақат санъаткорларнинг эмас, балки юзлаб, минглаб томошабинларнинг, мухлисларнинг ҳам байрамидир. Биз ўзбеклар ўйин-кулгунини, умуман олганда байрамларни севамиз, кино бизга бунёд этиш ва яшашига ёрдам беради, у бизни ҳамisha олганда ўқинди. Аввалги фестиваллардан бунининг фарқланиши аён. Биз энди мустақил юрта яшаймиз. Кино экранларида севиб қолган суюкли актёрларимизни кўриш, суҳбатлаш ҳаммамизга ҳам завок бағишлайди. Биз — ўзбеклар меҳмондўст халқмиз. Шунинг учун ҳам мамлакатимизга ташир буюрган меҳмонлар бу ерни худди ўзларининг иккинчи уйларидек ҳис қилишларини жуда-жуда истар эдик. Ишонимизки, улар янги-янги дўстлар орттирадилар. Мен ўтган фестивалларда дугоналарим билан биронта фильмни қолдирмасдан кўрадик. Хинд кинофильмларининг мафтуниман. Биласизми, яхши кўшқ ва гўзаллик бизни фақат яхшиликка қорлайди. Хинд киноюлдузлари Шохруҳон, Митхун Чакраборти келишлари мумкинлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, бир қувончимга ўн қувонч қўшилди. Айтгандай, ўтган сафар келган қатнашчилар бу гал пойтахтимиздаги ўзгаришлардан минг бора хайратга тўсылар керак. Ахир бу ерда қўлигаётган бунёдкорлик ишларидан хайратланмай бўладими?

Мен ўзбекистонлик кинематографчиларга омад қилиб боқилишни тиламан. Юртимизга ташир буюрган азиз меҳмонларга қарата «Шаҳримиз чиройи, одамларимизнинг меҳмондўстлиги Сизларни янада мафтун этсин! Бизга бири-бирдан гўзал фильмлар тақдим этишдан хорманг!» дегим келди.

Арофат ХОЛИҚОВА, Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 184-мактаб она тили ва адабиёт мугаллимаси.

МУШТОҚ ЭДИК

Олам кезишга нима етсин. Одам танийсан, юрт кўрасан. Урф-одатлар билан таниша. Лекин бунга ҳар тарафлама имкон бўлса қани эди. Мен учун шундай имконият бор. Бундан ташқари ўтказиладиган XII Халқаро кинофестиваль. Чунки ҳар бир фильмда ўша юртининг урф-одатлари, расм-русумлари, қадриятлари ўз аксини топан бўлади. Гўзал манзаралари, одамларининг интилишлари, орзу-уйлари муҳассалашган бўлади.

Албатта, «Бу мамлакатнинг фильмлари яхши, бу ёмон», дейишнинг ўрни йўқ. Бир фильм ўзининг акс аттирган муаммоси, артистларнинг ижодкорлик маҳорати, сураат олиш услуби билан бетакордир.

Эртадан шаҳримиздаги энг яхши кинотеатрларда ишқибозлар тирбанд бўлади. Бу жаҳон аҳлининг бир-бирига бўлган интилиши, меҳри баландлигининг белгисидир. Катта киноанжумани тайёрлаш, уни юксак савияда ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам кинофестиваль мутасаддиларга, ташкилотчиларга катта раҳмат. Шаҳримизда бундай катта анжуманларнинг мунтазам ўтишига тилақдошман. Бундай тадбирлар шаҳримизнинг, мустақил юртимизнинг обрўси, шухратини узоқ элларга элтади.

Баҳодир СОБИТОВ, журналист.

ЭНГ КАТТА МУКОФОТ

Кино — жаҳонни забт этган санъат турларидан бири. У юртининг ҳам, санъаткорнинг ҳам номини оламга машҳур қилади. Кино фестиваллари эса худди бир гулдастага ўхшайди.

XII Тошкент Халқаро кинофестивали озод мамлакатимизда ўтказилаётган энг катта тадбирлардан бири десам тўғри бўлади. Истиклол бизнинг кинемизга ҳам кенг ўқларни очди. Қатор киностудиялар ташкил этилди. Турли мавзуларда фильмлар сураат олинди. Буюк Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги «Буюк Амир Темур» икки серияли фильм дилларимизни шодликка тўлдирди. Уйлаймизки, фестивалда ўзбек киноси ўзининг муносиб ўринини эгаллайди.

Албатта, анжуманда катта мукофотлар белгиланган. Энг яхши деб топилган фильмлар, артистлар ушбу мукофот соҳиблари бўладилар. Лекин, менимча барчамиз энг катта мукофот эгаси бўламиз. Бу анжуманда бир-бирига маҳкам боғланган дилларимиз, дўстлигимиздир. Дўстлик ришталари мустаҳкам экан, ҳамisha бир-биримизни қўлаймиз, янгиликларни, ютуқларни баҳам кўрамиз, яратамиз.

Киноанжуманининг энг буюк хизмати ҳам мана шунда.

Зиқир МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон халқ артисти.

КУТИБ ОЛИШГА ШАЙМИЗ

Эртага пойтахтимизга ташир буюрган жаҳоннинг турли бурчакларидан келган киносанъатининг йирик намояндалари, кино юлдузларини кўрамиз. Киноуюшмаларга тақдим этиладиган фильмлар намойиши учун шаҳримиздаги олти кинотеатрлар танлаб олинган эди.

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи бош директори ўринбосари Фахриддин Назаров билан суҳбатимиз ушбу санъат қошонасининг кинофестивалга кўрган тараддуи ҳусусида бўлди.

— Юқори даражадаги бундай анжуманининг пойтахтимизда ўтказилиши бизга билдирилган катта ишорат. Унинг юқори савияда ўтиши учун барча чора-тадбирларни амалга оширдик. Бизнинг кинотеатримиз ҳам мухлисларни қутиб олиш учун тайёрларликни қизғин бошлаб юборган. Бинонинг олди кўриниши ва том қисми тўла таъмирланди, атрофидидаги ўтир-пичлар янгиланди. Кинотеатр худди орасталанди. Кино залининг катта қисмида 1000 кишига мўлжалланган ўриндиқларнинг устки гилофлари янгиланди. Полнинг бир қисми линолеум билан алмаштирилди. Етишмайдиган барча техник ускуналар, экранга ёруғлик тушириб берадиган ускуналар билан тўлиқ таъмирланди. Етти кун давомидида киномухлислар эътибо-

рига ҳавола этиладиган намойиш учун ҳар сеансга 1 та икки серияли ёки 2 та бир серияли фильмлар киритилган. Фильмлар кўригига абонементлар Санъат саройи кассасида сотилмоқда. Ташкилотлар пул ўтказиш йўли билан ҳам абонемент олишлари мумкин. Шу қўнлар «Кокка-кола» фирмаси ўз маҳсулотини бепул беради.

Ҳозир Туркия, Малайзия, Хиндустон, Миср, Бирлашган Араб Амириклари, Украина каби давлатларнинг фильмлари реклама афишалари таъбирладиқ. Асосий фильмлар рўйхати ҳар уч кунда эълон қилиниб борилади. Хуллас, нима зарур бўлса барча ишлар амалга оширилади. То-мошаларга марҳамат қилинг, азиз киномухлислар!

Моҳира КАРИМОВА ёзиб олди.

Назм

ДУСТЛИК МАДҲИН ОПАМ УЗРА ЁЗ

Тошкент яна кутади меҳмон, Ташир айлал жумлан жаҳон. Экраларда яна балқар нур, Яна қалблар топади ҳузур. Хиром айлар қулиб

Хиндустон, Ишқу синов сўлар ҳаёқон, Туркиянинг сўлим ҳавоси, Қозоқ юртин минг бир навоси, Тонг юртининг совғаси, Камалақдек ҳар тасма Фаранглар оломун Хитой, Ҳар бир қисса ибратларга бой,

Мақсад битта: бўлайлик аҳил, Қўли-қўлга беради оқил! Замонларнинг дурди очилар, Ҳикматлар ҳазинаси очилар, Ниятимиз олий, муштарак. Барча элга осийиш керак. Шу ниятда муштокмиз хандон, Марҳаб, эй киноанжуман, Бўлиб мисли оппоқ қабулар, Қанотининг қоққон бехатар, Дўстлик мадҳин олам узра ёз, Мағрур-мағрур этавер парвоз! Фолиб МИРЗО.

Шахмат

Миллий биринчилилик

Маълумки, ўтган йил натижаларига кўра республика спорт терма жамоалари орасида бизнинг шахматчилар терма жамоаси ғолиб деб топилди. Одатда шахмат тахтасида бирон-бир афзалликка эришишдан кўра уни мустахкамлаш, сўнгга галабагача олиб бориш қийинроқдир. Бинобарин шахматчиларимиз эгаллаган мавқеаларни наинки ўшлаб қолиш, балки уни мустахкамлаш учун яна кўп тер тўкишлари лозимлигини яхши тушунадилар.

Навбатдаги республика аёллар чемпионати дегирли барча етакчи вакилларимизнинг иштироки остида ўтди. Икки hafta давом этган қизгин курашлар оқибатида барча совинрили ўринлар пойтахт вакилларига насиб этди. Бу гал чемпионлик унвони Рена Мамедовага насиб этди. У 13 имкониятдан 10,5 очко жамғарган бўлса, унга шахсий учрашувни бой берган Ирина Горшкова 9,5 очко билан учинчи бўлди. Иккинчи совинр ўтган йилги чемпион Анжела Хелътта теги. Ольга Ким билан Елена Крючкова 4-5 ўринларни ўзаро баҳам кўришди. Ғолибларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Қамолот» жамғармаси, маҳаллий саноат корпорацияси ва давлат спорт кўмитаси таъсис этган махсус совинрлар топширилди. Икки иштирокчи — Ирина Горшкова билан Елена Крючкова миллий спорт устаси унвони учун белгиланган талабларни бажаришга масъул бўлди.

Марказий «Пахтакор» стадионида жойлашган республика шахмат клубининг турнир зали ордан атиги бир кун ўтгач энг кучли эркак шахматчиларни қабул қилди. Бу сафар шундай таркибдаги ўйинчилар тўландики, ҳатто гротсмейстерлик талабларини белгилаш имконияти туғилди. Тарихда биринчи марта шундай бўлиши. Сабоби, тўрт нафар гротсмейстерларимиздан учтаси олий лига Ўзбекистон чемпионатида қатнашиш истагини билдирди. Яна 6 нафар халқаро мастер, 5 нафар миллий спорт усталари республика чемпионлиги учун ўзаро баҳсга киришдилар. Жаҳон олимпиадалари, турли юкори нуфузли халқаро турнирлар иштирокчилари ўртасидаги беллашувлар кутилгандан зиёда кескин ва қизгин тус олаётгани ҳаммага манзур бўлмоқда. Дастлабки уч турдан сўнг халқаро мастер Владимир Егин 2,5 очко билан гротсмейстерлардан ҳам ўзиб турибди. Унинг халқаро гротсмейстер А.Ненашев ўстидан эришган галабаси жуда салмоқли бўлди.

Мамажон МУХИДДИНОВ,
халқаро тоифадаги ҳакам.

Инсон ҳаёти давомида озодалик, покизалик қондаларига риоя этиши унинг учун қай даражада аҳамиятли экани барҳаёт маънавий меросимиз, халқ донишмандлиги, шунингдек илим-фан мавбаларида кўп бора қайд этилган. Улар ҳақида ҳар қанча эсласак ҳар сафар ўзимиз учун қандайдир янгилик оламиз. Ана шу мавзудаги бугунги суҳбатимиз 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти гистология кафедрасининг профессори, «Халқ донишмандлиги» марказининг бўлим мудири Зиёвуддинхожи Зайнуддин билан бўлди.

— Маълумки, поклик азалдан инсоннинг зийнати ҳисобланган, лекин бу фазилат маънавий ва моддий жиҳатларига бўлинади. Покликнинг ана шу иккала жиҳати бир-бирига боғлиқ бўлса керак, умуман, бу борада уларнинг қайси бири бирламчи?

— Бисмиллаҳу роҳману роҳим. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом «Поклик иймондандир» деб марҳамат қилганлар. Шунингдек «Оллоҳ таоло гўзалдир, гўзалликини яхши кўради, сахийдир, сахийликини яхши кўради, покдир, покликни яхши кўради» деган Ҳадис ҳам бор. Поклик ҳам жисмимизга, ҳам руҳиятимизга тегишли бўлгани учун унинг иккаласи бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Шунга кўра Ислому руҳий-маънавий ҳамда жисмий-моддий покликка, покланишга даъват этади. Инсон ҳали она раҳмида (бачадонида) ўсишдаёқ суякликда катта бўлиши унинг учун ювинининг, покланишининг аҳамияти қай даражада юксак эканини билдиради.

Инсон меъёрий ҳолатда яшаши учун унинг нафақат руҳию жисми, балки яшаш муҳитидаги хоналари, ҳовлиси, ҳаво, сув, таомлари, у билан яшовчи барча хоҳ тирик, хоҳ ўлик унсурлар покиза бўлиши талаб этилади. Ёйдиған таомларию киядиган кийимлари ҳам ҳалоллик билан топилиши лозим. Она раҳмида зурриёт пайдо бўлиб, токи унга жон ота қилинганча 130 кун ўтади. Ота ва она шу кунлар ичида ҳалол, покиза таомлар билан озиқлансаларгина вуҷудга келадиган зурриёт покиза бўлади, фарзанд ҳам пок инсон бўлиб вояга етади. Оила ва ўз наватбатида жамият пок инсонлардан ташкил топанган бўлса, бу жамиятда иншооллоҳ тараққиёт авж олади. Бунинг учун инсонларда соғлом маънавият, руҳоният ва маърифат бўлиши даркор. Бугунги кунда жамиятимизда маънавиятга катта ўрин берилаётгани юқорида айтилган омилларга замин яратлади.

— Суҳбатимиз асосан инсоннинг кундалик турмушида озодалик, покизалик қои-

даларига риоя қилиш ҳақида боради. Айтишларича, ота-боболаримиз яшаган даврда «чикинди» сўзининг ўзи бўлмаганмиш. Эҳтимол бу ҳол аждодларимизнинг табдиркорлигидандир.

— Инсон тўғилишидан то қабрга киргунигача, ҳар кун кўзи очилгандан то уйкуга кетгунгача поклик асосида бўлиши лозим. Эрталаб турганида ҳам, кечкурун ётиш олдида ҳам покиза бўлиши лозим. Худди шунингдек эрта тонгдан ҳовли-майдонларни супуриб тозалаш, сув селиш, уй ичларини покиза тутиш халқимизнинг азалий удуми. Супурилганда ариқдан ҳовли томонга супурилган. Сув покиза тутилган, унга ювинди, ҳаммом сувлари оқизилмаган. Уйдан чиққан

Покизалик

Инсоннинг улуғ фазилати

мағзава кўчага оқизилса халқимиз ўша хонадон сири ошкор бўлади, дейди. Барча нопок, микробли, касаллик тарқатиши мумкин бўлган нарсалар Исломда нажосат дейилади. Уларга қон, ҳайвонлардан чиққан ахлат, қайт қилинган нарсалар, ўлик ҳайвонларнинг жуссалари қабиладир. Буни яхши билган аждодларимиз ўз ҳовли-жойларида чиқиндиларга махсус ўралар барпо этганлар. Мева-сабзавот пўчоқлари чиқиндиларга аралаштирилмаган ва чорва ҳайвонларига берилган.

Ота-боболаримиз исрофгарчиликдан қаттиқ кўрканлар. Кундалик турмушда ортиб қолган нонлар қотириб қўйилиб, суяқ овқатлар билан истемол қилинган. Афсуски, могорлаган нонларни ахлат қутиларига ташлаш каби ҳолатлар ханузгача учраб турибди. Кўп қаватли уйларда чиқиндиларни юқоридан улоқтириш, уйлар атрофидаги ахлатхоналарни ёқиш, маҳаллаларда эса 50-60 метр узунликда чиқиндиҳоналар чўзилиб ётиши халқимиз учун иснод, шариатимиз учун номусноб ишдир. Бу борада менимча учта иш қилиш керак: биринчидан, юртдошларимизни шариат қондаларида кўрсатилган озодаликка даъват этиш даркор. Иккинчидан, аҳоли фақат белгиланган жойлардаги қутиларгагина чиқинди ташлашни одат қилишлари зарур. Учтинчидан, чиқинди ташлаш ва уни олиб кетиш қатъий режа асосида амалга оширилса пойтахтимиз гўзал ва покиза шаҳарга айланади.

— Озодалик — инсон маънавиятининг белгиси, дедик. Халқимиз маънавий хазинаси бўлмиш Куръони Карим ва Ҳадиси Шариф.

да бу борада келтирилган ҳикматлар бисёр, шундай эмасми?

— Ислому таълимотлари одамларга тўғри йўлни кўрсатади. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом Ҳадиси муборақларида «Мен сизларга икки нарсани — Куръон ва Ҳадисни қолдирдим, уларни маҳкам тутсангиз ҳеч қачон йўлдан адашмайсизлар» деб марҳамат қилганлар. Бу манбаларда озодалик ҳақида айтилган ҳикматлар жуда кўп. Хусусан «Поклик иймондандир». «Оллоҳ таоло озода зоҳидни яхши кўради», «Ислому дини покизадир, покиза бўлинлар, жаннатга пок-озодалардан ташқари ҳеч ким кирмайди», «Оллоҳ таоло ифлослик ва тартибсизликини ёмон кўради» шулар жумласидандир. Шунингдек, пайғамбаримиз нафақат уй ва ҳовлини, балки кўча ва майдонларни ҳам пок тутиш лозимлигини ўқтириб «Кимки одамлар юрадиган йўлга ахлат, мағзава тўкса бутун инсониятнинг лаънатида қолади» деб марҳамат қилдилар. Бундан маълум бўладики, кўчаларда машинасини, гиламини, от-уловини ювган ёки чўмилтирган инсонлар ишлари тугагач ўша жойни тозалаб қўйишлари лозим.

— Сиз шифокорсиз. Шу босидан озодалик инсон ҳаётида қай даражада аҳамият эканини мутахассис сифатида яхши биласиз. Бу борада бугунги тиббий талаблар билан азалий умуминсоний талаблар ўртасида фарқ катта бўлмаса керак.

— Бугунги тиббий талаблар азалий умуминсоний талаблардан келиб чиқандир. У илмий тартибга солинган бўлиб, турли гигиеник меъёрларга, талабларга ва одобларга таснифлангандир. Озодалик қондаларига риоя қилмаслигининг, хусусан яшаш жойларининг ифлослиги инсон саломатлигига зарар экани ҳақида жуда кўп гапирилган ва бу одамлар учун янгилик эмас. Аммо мен бошқа бир нарса ҳақида гапирмоқчиман: бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг соғлом одамлар соғлигини муҳофаза қилиш ҳақидаги аjoyиб китоби бор. Эътибор қилиясизми, гап соғлом одамларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ҳақида кетяпти. Бундан шундай фикр келиб чиқадики, инсоннинг ҳеч бир аъзоси огримаса ҳам у бундан хотиржам бўлмаслиги лозим. Масалан, ён-атрофининг тоза эмаслиги уни бефарқ қолдирмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда одам ўз соғлиги ҳақида ҳар дақиқада қайғуриб туриши лозим. Ҳулоса қилиб айтганда ҳам руҳан, ҳам жисман пок бўлиш, турар жойларни озода тутиш инсоннинг улуғ фазилати ҳисобланиб, у нафақат одамнинг ўзи учун, балки у яшаётган жамият учун ҳам бениҳоя аҳамиятлидир.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ суҳбатлашди.



Миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати илк саралаш учрашувидан Яман терма жамоаси ўстидан қозонган галабаси тарихда қолажаги аён. Миллионлаб мухлислар қалбида баҳорий илиқлик: навбатдаги қадам ҳам кўтлуг келсин! 25 май куни футболчиларимиз «Пахтакор» стадионида Камбоджа терма жамоасини қабул қиладилар. Бу ўйинда ҳам футболчиларимиздаги сурутда акс этгани каби шиддат сусаймаса бас. Ҳозирча мамлакатимиз ўйингоҳларида миллий чемпионат баҳслари авжда.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Қалбаки чиптафурушлар

ШАЙХОҲТОҲУР ва Собир Раҳимов туманларида фаолият кўрсатувчи туманлараро коррупция, рэкет ва террорчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Равшан Аббосов номига «Тошшаҳарйўловчиган» давлат уюшмаси маъмуриятидан шошилинч хабар келди. Унда Собир Раҳимов туманидаги 2-Тошкент давлат тиббиёт институтига яқин ҳудуддаги транспорт бекатида шубҳали қандайдир бир шахс жамоат транспорти учун чиқарилган ойлик йўл чипталарининг донасини 250 сўмдан сотаётганилиги ҳақида хабар берилиб, бу шубҳали ҳаракатни аниқлаш ва фош этиш сўралган эди.

Маълумки, ҳозир «Тошшаҳарйўловчиган» тизимида сотилаётган аҳолининг ойлик йўл чиптасининг баҳси 600 сўм. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда кўп йиллик таҳрибага эга бўлган бўлим бошлиғи Р. Аббосовда «Нега энди у киши йўл чипталарини 250 сўмдан пулламоқда? Бунинг сири нимада?» деган шубҳа туғилди. Бошлиқ дарҳол чиптасотари кўлга тушириш режасини тузиб уни амалга оширишни милиция майорлари Равшан Мухаммадбеков билан Дониёр Абдуқодировга топширди. Улар ишга киришдилар. Қўзатиш ва текширишлар натижасида чиптасотарлар «иш» устида ашъвий далиллар билан қўлга олинди.

Сўроқ ва тергов жараёнида шу иш юзасидан қуйидагилар маълум бўлди: чипта сотувчи тиббиёт институти яқинидаги уйлардан бирда яшовчи Йўлдош исмли киши экан. Унинг қизи Ирина шаҳардаги илмий-техника воситалари билан иш юритувчи ташкилотлардан бирда хизмат қилган. У ерда рангли тасвирда ниҳоятда сифатли нусха кўчирувчи мослама ҳам бўлган. Хизмат юзасидан шу аппаратдан фойдаланиб юрган Ирина отаси билан ундан фойдаланиш, мўмай пул топиш юзасидан келишиб олади. Дастлаб ҳақиқий йўл чиптасидан нусха кўчиришади. Нусха аслига ўхшаганлиги туфайли, биринчи нусха тажриба сифатида сотилади. Бу иш силлиққина амалга ошгач, нусхалар кўпайтирилади. Уларни сотишда Йўлдошга унинг яқин ўртоғи Фазлиддин ҳам ёрдам беради. Қисқа фурсатда 30 қалбаки чипталар ҳақиқий деб сотилади. Нусха кўчирувчи Ирина бир йўла 4 донча чиптани 1000 сўмга пуллаётганида туюққа илинди.


Қалбаки чипталарни кўлаб ишлаб чиқариб, уларни пуллашни ташкил этган Йўлдош, унинг қизи Ирина ўз қилмишларига яраша қонуний жазони олдилар. Уларнинг гўмаштаси ҳам ўз «насибасини» топди.

«КўК»и қанчадан?

МАЪЛУМКИ, валюта билан савдо-сотикнинг қатъий қонун қондалари бор. Туманлараро коррупция, рэкет ва террорчиликка қарши кураш бўлими тизор ҳодимлари бу борада муайян тадбирларни амалга оширмоқдалар. Утган 1996 йилда қонунга хилоф равишда чет эл валюталарини сотиш би-

Хуриқ

Кўза кунда синади



лан шуғулланган шахсларга нисбатан 18 та жиноий иш қўзғатилиб, ишлар Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманлари судларига оширилган. Қонунбузар валютатурушлардан жами 14730 АҚШ доллари, 2 миллион 920 минг рус рубли, 7600 қрозок тенгеси ва 188645 сўм пул «Эски Жўва» деҳқон бозори ҳудудида олинди ва давлат фойдасига ўтказилди.

Бел оғирмай бой бўлишни истаган, иқтисодий-мольвий нўхушликларни содир этган бу валютатурушлар ким? Тошкентлик Абдуносир бир миллион рус рублини «Эски Жўва» бозори яқинида ҳамшаҳри Мирвосидга, ҳеч

қаерда ишламайдиган Равшан исмли йигит 300 АҚШ долларини Мехридин деган валютатурушга, Татаристондан шахримизга «мехмон» бўлиб келган Валерий Сағбон кўчасида яшовчи Файратга 1 миллион рус рублини пуллаш устида, Лангар кўчасидаги уйлардан бирда яшовчи Жаҳонгир Гулзода исмли аёлга 500 АҚШ долларини «қора бозор» нархида сотиш жараёнида ушаниб маъмурий жазога тортилдилар. Улардан жаримлар ундирилди. Бир неча ашаддий валютатуруш устидан жиноий ишлар қўзғатилиб судларга оширилди, қондабузар валютатурушлардан олинган валюта маблаглари давлат фойдасига суд ҳукми билан ўтказилди.

Азим шахримизда баъзан рэкет ва фирибгарлик, эъравонлик жиноятлари ҳам содир этилиб турибди. Лекин бундай жиноятлар тизор Ички ишлар ҳодимлари томонидан ўз вақтида қийовланмоқда.

Зўриқ утмади

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Қарши шаҳрида тутилган 18 ёшли Эдуард исмли шахс яқинда Тошкентга келиб тадбиркорлик билан шуғулланаётган бир қанча хусусий, жамоа корхоналаридаги тижорат савдо ҳодимларини камбё арзон саноат моллари топиб берман, деб алдашга киришган. 18 ёшли бу йигитнинг ташлаган тўзогога ийилган «соддалар» ҳам топилган. Шаҳардаги фирмалардан бирининг масъул ҳодими Мухаррамхон арзон ва камбё саноат молларини келтириб беришни ваъда қилган фирибгарга мўмай пулни нақд санаб беради... Орадан кўп ўтмай бу фирибгарнинг қилмишидан хабар топан тизор ҳодимлар уни қўлга туширидилар.

Худди шундай фирибгарлик йўли билан 23 ёшдаги Абдувоҳид камбё саноат моллари топиб бериш ваъдаси билан кичик корхонада ишловчи Насиба исмли аёлдан 37 минг сўм, яна бир бошқа хусусий корхонада ишлаб тадбиркорлик билан шуғулланувчи Назирадан 45 минг сўмни олаётган пайтда қўлга туширилди. Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида истикомат қилувчи 29 ёшли Николай Шайхонтоҳур туманидаги қўшма корхона ҳодими Василйидан дўқ-пўтиса, зўрлик билан таъмағирлик қилиб 160 минг сўм талаб қилган.

Қўшма корхонада юз берган бу нўхуш воқеадан хабар топан туманлараро коррупция, рэкет ва террорчиликка қарши кураш бўлими ҳодимлари содир бўлиши мумкин бўлган катта жиноятнинг олдини олдилар. Рэкетчи ушланди. Юқорида номлари зикр этилган ўчмала ракетчи ва фирибгар ўз қилмишларига яраша жазога тортилди. Рэкетчиларни қўлга туширишда ва фош этишда бўлимининг барча ҳодимлари фаол қатнашдилар.

Малик НУРИДДИНОВ,
Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТДА: валютатурушлардан мусодрва этилган пуллар.

ҚОЧОҚ УШЛАНДИ

Қарши шаҳрида қатор жиноятларни содир этиб, одил суд ҳукмидан қочиб юрган А. Даврон Тошкент шаҳар ички ишлар хизмати ҳодимлари томонидан жиноят устида ушланди. Даврон Қашқадарёнинг марказида қўлларни қамашатиб уйдаги қимматбаҳо буюмларини олиб кетди. Унинг бу қилмишидан хабар топан Қарши шаҳар милиция бўлими ҳодимлари қўлга олиш чораларини кўришади. Бирок ўғри бу гал жавобгарликдан қочиб қолди. Мухаддам ўғирлиги учун қамалиб чиққан Даврон қилмишларидан тўғри ҳулоса чиқариб олиши лозим эди. Аммо ўғирлик ва ўзгаларнинг мол-мулкига ҳиёнат қилиш эъзасига яраша қўниқиб қолган йигит одатини ташлаи олмади. Қаршидан қочиб Тошкентда панох излаб, ўзига ўхшаган одамларга қўшилди.

Улар Мирзо Улугбек туманидаги уйларни пойлаб, ўғирлик қилишади. Хонадон эгаларининг йўқлигидан фойдаланиб айвон, гоҳида ертўла орқали киришиб, видеоаппаратлар ва бошқа қимматбаҳо молларни ўғирлаб кетишади.

Уйлардан ўғирланган нарсаларни топишда ёрдамлашиш учун фуқаролар милицияга мурожаат қилишади. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят-қидрув бошқармаси ҳодимлари тизор тадбирлар ўтказиш давомида Даврон ва унинг шерикларини Пушқин кўчасидаги уйлардан биридан 6 турдаги қимматбаҳо моллар, 7 турдаги тилла тақиниқларни олиб чиқишдаганида қўлга олишди. Қаршидан қочган Даврон Тошкентда қўлга олинди. Энди у барча қилмишлари учун жавоб беради.

Мирзо АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ҳодими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКДАВЛАТЦИРК» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ХАДРАДАГИ Т. ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИЛ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА ЯНГИ АТТРАКЦИОН ИККИ КАВАТЛИ ДОР ЦИРК ГИМНАЗИЯСИ ОСТИДА ТУРТ КИШИДАН ИБОРАТ УСТУННИНГ АЖОЙИБ ИЖРОСИ
акробатика, гимнастика, эквилибристика ва мувозанат сақлаш соҳасида энг юксак кўрсаткичлар
Раҳбар: Республикада хизмат кўрсатган артист
НИССО АЛИЕВА
2 КИШИДАН ИБОРАТ
КАТТА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР
Томошавлар 17, 18, 24, 25, 31 майда, 1 июнда соат 12.00, 15.00 да бошланади.
Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади. Касса соат 10.00 дан 18.00 га қадар ишлайди.
Маълумот олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

БОЛАЛАРГА МАҚСАДЛИ ОМОНАТ

ҚЎЙИШ ота-оналарга болаларнинг никоҳига етарли маблағни жамғаришга ёрдам беради, мустақил ҳаёт бошлашга қўмақлашади.
Бу омонат 16 ёшгача бўлган болаларга ўн йиллик муддати билан қариндошчилик муносабатидан қатъи назар қабул қилинади.
Омонат сақланаётганига 10 йил бўлганда ва бола 16 ёшга тўлганда, фойда йилига 40 фоиз ҳисобидан тўланади.
Қўшимча тўловлар хоҳлаган миқдорда нақд пул билан ҳам, нақд пулсиз ҳам қабул қилинади.
МАҚСАДЛИ ОМОНАТ — БОЛАНИНГ МУСТАҚИЛ ҲАЁТДАГИ БИРИНЧИ ҚАДАМИ!
Тел. 45-66-43, 45-35-44.
Тошкент шаҳар Халқ банки бошқармаси.

32/36, 33, 44-АТС

АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Рақамли электрон 32/36, 33 -АТС ва 44-АТС ўз абонентларига 12 та қўшимча хизмат турларини (ҚХТ) кўрсатиш имкониятига эга:
— рақамни қисқартириб териш;
— рақамни термасдан туриб улаш;
— кириш алоқасини вақтинчалик тақиқлаш;
— кириш қақирқиларини (АТС ичида) бошқа манзилга йўллаш;
— кириш ва чиқиш алоқаларини вақтинчалик тақиқлаш;
— янги қақирқил тушганлиги ҳақида огоҳлантириш;
— бюромта бўйича абонентни қақирқил (абонентга у белгиланган вақтда қақирқилни едга солиш, эслатиш);
— кириш қақирқилларини автотиформаторга ёки топшириқлар бюросига ўтказиш;
— рақамни термасдан туриб қайтадан қақирқил;
— қақирқилаётган абонентнинг телефон рақамини абонент аризасига кўра аниқлаш;
— конферен — алоқа;
— қақирқилувчи абонент банд бўлган ҳолатларда кириш қақирқилни котиба ёки бошқа аппаратга ўтказиш.
Эслатиш. АТСнинг ана шу имкониятларини амалда қўллаш мақсадида рақам тергичлик телефон аппаратида эга бўлиш лозим.
Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
— 32/36, 33-АТС абонентлари учун: 36-18-20,
— 44-АТС абонентлари учун: 29-88-43, 29-88-45.
ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
1997 йил 1 майдан
1941 - 1945-йиллардаги уруш қатнашчилари учун ҳарбий хизматчилари ҳисобидан абонентлик ҳақи тўлаш бўйича ойлик абонентлик ҳақининг 50 фоизи ҳажмида имтиёз белгиланган.
ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Тошкент оқшоми

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қулулари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 33-28-95.

Факс: (3712) 33-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАЙБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а»,
206-ХОНАЛАР.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Майбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, горишанба
ва Ҳима
кунлари чиқади.
Нашр қарорчилиги
64690

Нашринг етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига
ёки «Тошкент почтасига»
33-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.